

“Инновацион ғоялар етакчиси” кўрик танлови

Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 5 майдаги 03-17/1899-сонли хатига мувофиқ “Инновацион ғоялар етакчиси” кўрик танлови ўтказилиши маълум қилиниб, номзодлар ҳужжатларини 2020 йилнинг 20 июнига қадар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи комиссия ҳайъатига тақдим этиш сўралган.

Шу муносабат билан институтда фаолият олиб бораётган ташаббускор ўқитувчилар, ёш олимлар, магистр ва талабаларни ўз инновацион ихтиролари билан мазкур танловда иштирок этиш учун сўралган ҳужжатларни институт Илмий бўлими (Ш.Имомов ва М.Саримсақов) га тақдим этишларини сўраймиз.

Ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари институт веб сайтыда tiame.uz жойлаштирилган.

Илмий-инновацион ишланмаларни

тижоратлаштириш бўлими бошлиғи М.Саримсақов

“Инновацион ғоялар етакчиси” кўрак нишони билан тақдирлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Ариза

1. Аризачининг исми-шарифи (тўлиқ ҳолатда)
2. Аризачининг иш жойи (ўқиш жойи)
3. Алоқа учун маълумот (яшаша манзили, тел. рақами, электрон почта)
4. Лойиҳанинг номи (ўзбек, рус ва инглиз тилларида)
5. Лойиҳанинг қайси тармоққа ва ҳудудга оидлиги

Ушбу аризада кўрсатилган барча маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

Махсус комиссиянинг танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги қарорининг якунийлигини ва эътирозга ўрин йўқлигини қабул қиламан.

Аризачи: _____

имзо исми-шарифи (тўлиқ ҳолда) сана

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва маълумотномаси (объективка) 1-илова.
2. Лойиҳанинг қисқача мазмуни (лойиҳанинг номи, лойиҳанинг қайси тармоққа ва ҳудудга оидлиги, мақсади ва вазифалари, қиймати, кутилаётган натижалар ва татбиқ этиш режалари ҳақида) 2-илова.
3. Лойиҳанинг маълум бир муаммони ечимига қаратилганлиги ҳақида тақдимот (презентация (power point) ppt, pptx форматда, 10 та слайддан ошмаслиги лозим)
4. Лойиҳанинг ҳудудга ва тармоққа фойдалилиги бўйича тегишли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки тадбиркорлик субъектларидан тавсифнома
5. лойиҳа ҳақида қисқача видеоролик (1 дақиқадан ошмаган, avi ёки mp4 форматда)
6. Лойиҳа бўйича олинган патент тўғрисида маълумотнома, сертификатлар, мақтов ёрлиқлар ва бошқалар (агар мавжуд бўлса)
7. Лойиҳа прототиби (агар мавжуд бўлса)

Изоҳ: ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби билан боғлиқ барча масалалар бўйича +99890 353-67-29 тел. рақами ва телеграм канали орқали (М.Саримсақов) маълумот олишингиз мумкин.